

**Б.Б. Муллабаев,
катта илмий ходим-изланувчи, ТДИУ**

ИҚТИСОДИЁТДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

В данной статье глубоко изучаем научные аспекты управления инновационной деятельностью предприятий Республике Узбекистан и приведены предложения и рекомендации по стратегии инновационной деятельности и системе управления предприятиями.

This paper deeply studied the scientific aspects of innovation management companies of Uzbekistan and presented proposals and recommendations on the strategy of innovation and enterprise management system.

Калитли сўзлар: *инновация, инновациялар кўлами, инновациялар самарадорлиги, инновациялар таснифи, инновацион ютуқ.*

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни, иқтисодиётни модернизациялаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг янада кучайтирилиши ҳозирги кунда саноат корхоналарида техника ва технологияларни кенг жорий этиш ҳамда инвестициялар жалб қилиш доирасини кенгайтириш ва улардан имкон даражасида самарали фойдаланишни тақозо этади. Чунки мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида турли мулкчиликка асосланган ишлаб чиқаришни вужудга келишига, яъни иқтисодиётда саноат корхоналари кўринишидаги бирлашмаларни ривож топиши мулкдорларни хўжалик юритувчи корхоналар, акциядорлик жамиятлари, шуъба корхоналар, масъулияти чекланган жамиятларини юзага келишига сабаб бўлди ва ўз фаолиятларини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви учун ўзларининг инвестициялари билан иқтисодий шароит яратади.

Бу борада ривожланган мамлакатларда саноат корхоналарининг бошқариш тизимида инновацион фаолиятни стратегик ва тизимли бошқаришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унинг натижасида аниқ бир тармоқда ишлаб чиқаришни самарали амалга ошириш, бошқарувни марказлаштириш ва инновацион фаолиятни янада кучайиши кузатилмоқда. Чунки хусусий мулкчиликнинг ривожланиши саноат корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини оширишни талаб этади. Давлат томонидан хусусий мулк ва мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя этилиши инвесторлар томонидан саноат корхоналарида инновацион муҳитни яхшилашга имконият беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз корхоналарида инновацион фаолиятнинг янада ривожлантиришга қаратилган муаммоларни ўрганиш, инновацион фаолиятнинг самарадорлиги, авваламбор, мамлакатда инновацион муҳитни яхшилашга қаратилган қонунлар доирасида ягона ҳуқуқий меъёрлар тизимини шакллантирадиган институционал асосларни ишлаб чиқиш даражасига боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётнинг инновацион фаолияти, биринчидан, инновацион фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, инновацион лойиҳалар, ғоялар ва ихтироларни молиялаш тизимини ривожланганлик жиҳатларига боғлиқ бўлади. Демак, саноат корхоналари рақобатбардошлигини таъминлашда инновацион фаолиятни бошқариш тўғрисида фикр юритилар экан, авваламбор, инновация, инновацион фаолият тушунчаларини ўрганиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган турли мулкчиликка асосланган субъектларининг инновацион фаолияти бир қатор ижобий жиҳатларни ўзида мужассамлаштириши лозим. Жумладан:

- амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий этиш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларидан унумли фойдаланиш ва харажатлар рентабеллигини ошириш;
- барча меъёрларга экологик жиҳатдан тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқиш ҳамда ушбу маҳсулотлар таннархини пасайтириш;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг истеъмол ва сифат хусусиятларини доимий равишда ошириб бориш;
- мавжуд маҳсулотларга турдош янги тур маҳсулотларни ишлаб чиқишни кенгайтиришни талаб этади.

XX асрнинг ўрталарида кенг кўламда ривож топган илмий-техник инқилоб ва тадқиқот соҳасини ишлаб чиқаришда рўй бераётган турли технологик ўзгаришлар ўша даврнинг барча мулкдорлар, тадбиркорлар ҳамда иқтисодчилар эътиборини тортди ва бундай ўзгаришларни илмий соҳада “инновация” атамаси билан ифодалана бошланди. Натижада ҳозирги даврга келиб “инновация” тушунчаси бирон бир турдаги фаолиятни таркибий жиҳатдан янгилаш, тубдан ўзгартириш, хўжалик фаолияти субъектлари томонидан илмий-техник, ташкилий, бошқарув ва бошқа янгиликларнинг яратилиши, тарқатилиши ҳамда жорий этилишини ифода этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда илмий адабиётларда инновациянинг мазмунига турлича ёндашувлар мавжуд. Яъни, ҳозирги вақтда икки хил нуқтаи назар кенг тарқалган бўлиб, биринчиси, жорий этиладиган янгилликка янги маҳсулот, техника, технология, услуб ва ҳоказолар кўринишидаги ижодий жараён натижаси сифатида қаралса; иккинчисида, янги унсурлар, неъматлар, ёндашувлар, принципларни ҳаракатдагилари билан бирга жорий этилиши сифатида қаралади. Жаҳон иқтисодий адабиётида “инновация” фаолияти илмий-техник тараққиётнинг янги маҳсулот ва технологияларда ифода этиладиган реал жараёнга айланиши деб талқин этилади.

Хасанова Г. Ўз тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда юқорида баён этилган барча ёндашувларда мазкур категориянинг бир томонлама ёритилганлиги тўғрисида тўхталиб, “Инновация” “янгиликнинг жорий этилиши” билан синоним эмас, балки янги билимлар, ёндашувлар кўринишидаги янгилликларнинг жорий этилиши жараёни билан боғлиқ ҳодисадир”–деб, таъкидлайди.

Шунингдек, мазкур изоҳдан келиб чиққан ҳолда, “инновация фаолияти” – бу фаолият тури ҳам, соҳаси ҳам бўлмай, балки унинг тавсифидир. Инновация соҳаси мавжуд бўлмайдими, чунки ҳар қандай фаолият ва ҳар қандай соҳа, агар унга юқори талаблилиги билан ажралиб турувчи натижага (масалан, ижтимоий, бозор, муҳофаа каби) эришиши учун янгиликлар (масалан, билимлар, технологиялар, қўлланмалар, ёндашувлар кабилар) жорий этилса, инновацияли бўлиши мумкин” –деб ўз фикрини билдиради[1].

Бизнингча, инновацион фаолият фаолият турларининг бири бўлиб, “инновация” илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг натижаси эканлигини эслатиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис, унга тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича таъриф бериш ўринли. “Инновацион фаолият ўйланган мақсадга эришиш учун барча илмий ва тадқиқот ишланмалари, ташкилий, технологик, молиявий ва тижорат ҳаракатларидаги аниқ режалаштирилган янгиликларни ёки инновацияни амалга оширишдир”. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, инновацион фаолиятни амалга ошириш учун режалаштирилган вазифаларни бажариш инновацион жараёнини ифодалайди.

Шу маънода бизнингча, инновацион жараёнга қисқача, “Инновацияни яратиш ва оммалаштириш билан боғлиқ ҳаракатлар инновацион жараён” – деб, таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. Инновацион жараён, иш мобайни ва уни ташкил этилишида тадқиқот–ишланма–ишлаб чиқариш каби босқичларининг асосий даражалари билан мувофиқликда янада аниқ ифодаланади

Оддий инновацион жараён икки фазада кенгайтирилган жараёнга ўтиши мумкин:

1. Янгиликни яратиш ва тарқатиш.
2. Янгилик киритиш диффузияси[2].

Инновация бу-коммуникация билан боғлиқ бўлган ахборот алмашиш жараёни. Инновация диффузияси эса ўзлаштирилган инновацияни тарқатиш ва янги шароитларда қўллашни англатади.

Инновацион жараён субъектлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Корхонада фаолият юритаётган новаторлар - фан - техника тараққиёти генератори.
2. Дастлабки реципиентлар – бу биринчи бўлиб янгиликни жорий қилган тадбиркорлар ҳисобланади.
3. Дастлабки кўпчилик - янгиликни жорий қилган корхоналар.
4. Қолоқлар - маънавий эскирган янгиликни энди жорий қилувчи корхоналар.


Мамлакатни фан ва технологиялар соҳасида ривожлантириш сиёсатининг ажралмас бир қисми сифатида миллий инновацион тизимни шакллантириш, бу сиёсатнинг муҳим вазифасидир. Инновациялар у ёки бу фаолият соҳасида самарадорликни ошириш учун инсон ақли эришган ютуқлардан (кашфиёт, ихтиро, илмий ва конструкторлик лойиҳалари ва ҳоказо) фойдаланиш тушунилади. Мос равишда инновациялар технологик, иқтисодий, экологик, бошқарув, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳуқуқий ва бошқа турларга

тақсимланади. Инновациялар дунёси инсон фаолияти соҳалари каби рангбаранг ва турли-туман кўринишга эга.

Иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи техник тараққиёт ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитларида кичик бизнес ва тадбиркорлик инновацион жараёнда марказий роль ўйнайди, инновациялар эса техник тараққиёт суръати юқори бўлган тармоқларда асосий рақобат қуроли ҳисобланади.

Бу борада XX асрнинг биринчи ярми иқтисодчилари орасида Йозеф Алоиз Шумпетер (1883-1950) алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг замонавий иқтисодий фикрлашга кўрсатган таъсири неоклассик мактаб вакиллари таъсиридан кам эмас. Айнан шу олим инновацияларни олға сурувчи ва унда нормал даражадан катта бўлган даромаднинг асосий манбаси бўлувчи рақобат механизмини тавсифлаб берган.

Инновациялар ёки «янги комбинацияларни амалга ошириш» тушунчасига Шумпетер ташкилот, маҳсулот ёки ишлаб чиқариш жараёнини доимий такомиллаштириш йўли билан олинувчи стратегик афзаллик ва ютуқларни киритган бўлиб, қуйидаги беш ҳолатни кўрсатиб ўтган(1-расм).




1-расм. Инновацион фаолиятнинг ютуқлари

Манба: Тадқиқотдан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси.

Инновацияларни амалга оширишда пул бозорининг роли ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айнан пул бозорида иқтисодий лойиҳалар таққосланиб, ривожланиш молиялаштирилади, «келажакдаги қиймат тизими пайдо бўлади». Иқтисодиётнинг етакчи сектори ҳисобланган банклар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ёки янгиликлар киритишни молиялаштириши мумкин. Шумпетернинг фикрига кўра, улар миллий фирмалар рақобатбардошлигини оширишда стратегик роль ўйнаши ёки аксинча, вазиятга сусткашлик билан жавоб қайтариши ва «келажакдаги қиймат»ни изламаслиги мумкин.

Мамлакатда барча соҳаларда амалга оширилаётган янгилик даражаси бўйича технологик инновацияларни базис, яхшиловчи ва сохта инновацияларга ажратилади[3] (2-расм).



2-расм. Технологик инновацияларнинг турлари.

Манба: Тадқиқот натижасидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инновацион ўзгаришлар амал қилиш майдонига кўра, инсон фаолиятининг барча соҳалари ва жамиятнинг ҳар бир жабҳасини қамраб олади. Шунга қарамай, бошланғич, энг кўп ўрганилган технологик инновациялар сифатида юқорида келтирилганидек, ишлаб чиқаришнинг янги технологик усулининг шаклланиши асосида ётувчи даврга хос инновациялар; технологик укладлар ва техника (технология) авлодларини ўзгартиришга туртки бўлувчи базис инновациялар; янги техника моделлари ва технология модификациялари ёрдамида янги бозорларни ўзлаштиришга хизмат қилувчи яхшиловчи инновациялардир.

Технологик инновациялар табиат кучларидан фойдаланиш ва атроф-муҳитга кўрсатилувчи зарарли таъсирни камайтиришнинг янада самаралироқ усули бўлган иқтисодий инновациялар ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар муомаласи, нарх, молия-кредит, пул механизмлари шаклларини ўзгартиришга олиб келувчи ва такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи иқтисодий инновацияларнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида технологик инновациялар аста-секинлик билан хусусий сектордаги компаниялар ривожланиш стратегиясининг бир қисмига айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик ёки саноат корхоналарида янгиликлар киритиш меҳнат маҳсулдорлигини ошириш, молиявий, меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш ҳамда чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар сифатини оширишга кўмаклашишига бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Бироқ хусусий сектор кутилаётган рақобатбардошлик даражасини таъминловчи тўлақонли ва барқарор инновациялар механизмини фақат ўз кучлари билангина

ярата олмайди. Бунда ҳукуматнинг мақсадли йўналтирилган ва комплексли инновацион стратегиясининг ўрни жуда ҳам катта аҳамиятга эга.

Албатта, бундай комплексли стратегияни амалга ошириш - узоқ муддатли характерга эга масаладир. Замонавий инновацион муҳит ҳолати айрим объектив сабабларга кўра қисқа муддат ичида маҳаллий бизнеснинг инновацион даражаси юқори бўлишига имкон бера олмайди ва шу сабабдан унинг ривожланиши давлатнинг кўплаб йўналишлари бўйича бир қатор муаммоларни бартараф этишга куч сарфлашни талаб қилади. Жумладан:

- инновацион фаолиятни бошқариш бўйича корхоналарни илмий-техник ахборотларга эга бўлиш имкониятини етарли эмаслиги ва мавжуд ахборотларнинг трансакция харажатларини юқорилиги;

- кичик бизнес субъектлари ва корхоналар учун янги технологияларнинг қиймати ва бозор рисклари даражаларининг катталиги;

- инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ўз ресурсларини таклиф этувчи молиявий ва инвестицион институтларнинг кенг қамровли ва диверсификацияланган бозорини мавжуд эмаслиги;

- инновацион бошқарув қарорлари тизимини хусусий сектор ҳаттоки, кўплаб корхоналарда шакллантирилмаганлиги;

- инновацион воситачилар институтларида фанни ишлаб чиқариш билан боғлаб туриши мумкин бўлган ривожланган тармоғини яратилмаганлиги;

Юқорида келтириб ўтилган муаммоларнинг барчасидан шуни англаб етиш мумкинки, инновацион муҳит маълум маънода иқтисодий ва институционал ислохотларнинг турли йўналишларидаги тараққиётга боғлиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида ҳар икки йўналишни бир вақтда ривожланишида узвийлик ва уйғунлашувини таъминлашни тақазо этади.

Иқтисодий илмий адабиёт ва манбаларда инновацияларни турли белгиларига кўра туркумлашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борада бизнингча инновацияларнинг қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқдир (3-расм).



1.3-расм. Иновациялар классификацияси

Манба: Тадқиқот натижасидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, корхона фаолиятини бошқариш жараёнида керакли ахборот ва интеллектуал ресурсларга эга бўлган ва қайси инновацияни ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқаришга татбиқ этиш лозимлигини билган тақдирда ҳам у молиялаштириш муаммосига дуч келади. Бу муаммони учта таркибий қисмга ажратиш мумкин: корхонанинг ўз маблағлари етишмаслиги, банкларнинг кредит ресурсларига эга бўлишнинг қийинлиги ҳамда инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлаш механизмларининг етарли даражада мукамал эмаслиги. Бизнингча, ушбу келтириб ўтилган муаммоларни жаҳон амалиётида кенг қўлланивчи солиқ имтиёзларидан яъни, инновацияларни рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан:

- юридик шахсларнинг инвестицияларга ва бу инвестицияларни олиш учун сарфланган кредитларни қоплашга йўналтирилувчи харажатлари микдорида уларнинг солиққа тортилувчи даромадини қисқартириш имкониятини тақдим этиш;

- технологик инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга инвестициялар ажратувчи хусусий сектор корхоналарини мақсадли йўнлаган ҳолда солиқ имтиёзлари билан рағбатлантириш;

- тезлаштирилган амортизацияни ҳисоблаш учун имкониятлар яратиш, хусусан, унинг учун баланд нормалар белгилаш;

- ички ва ташқи манбалар ҳисобига инвестицияларга солиқ имтиёзларини бир хиллаштириш. Масалан, хорижий кредит ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналар шу кредитни тўлаш муддати тугагунча мулк солиғидан озод қилинади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида айтиб ўтилганидек, инновацион жараён нафақат ишлаб чиқаришда балки, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда ҳам амалга оширилади. Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардаги инновациялар ижтимоий стратификация ҳамда ижтимоий синф ва гуруҳлар таркибида ўзгаришларга олиб келади. Иқтисодиётда инновацион фаолиятни бошқариш механизмларни ишга тушириш стратегик аҳамиятга эга вазифа бўлиб, уни кичикдан каттага, оддийдан мураккабга қараб амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз саноат корхоналарида инновацион маҳсулотлар яратиш ва хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнининг янги кўринишларини жорий қилиш, иш ўринларни ташкил этиш ҳамда ташқи алоқаларнинг кенгайтиришига шароит яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хасанова Г.Ж. Саноат корхоналарни инновация фаолияти самарадорлигини ошириш. Иқтисослик: 08.00.04 – “Микроиқтисодиёт”. – И. ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Бухоро давлат университети. – Тошкент, 2006. – Б.11-12.

2. Чалдаева Л.А. Финансово-экономические стимулы инновационной экономики // Экономический анализ: теория и практика. — 2009. — Т. 7-8. — №1–2

3. Кузык Б.Н., Яковец Ю.Б. Россия – 2050 Стратегия инновационного развития. –М.: «Экономика», 2004, с. 22-28